

«Тасдиқлайман»

Комиссия раиси



Назиров Х.Р

«19» 01 2022й

Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқармаси конкурс комиссияси бўйича доимий ҳаракатдаги йиғилиш баённомасининг

№ 6 қарори

ГНГҚЧБ

«19» 01 2022й

**Йиғилиш раиси:** Назиров Х.Р – Газли нефт ва газ қазиб чиқариш бошқарма директори

**Йиғилиш қатнашчилари :** Темиров Ф.Ё., Абдураҳмонов Л.Б, Рўзметов Ж.П, Тойиров А.З, Қодиров Б., Халилов С.А, Ҳамроев Ф.Ф., Ражабов Т.Х, Ҳожиев З.Ж., Умиров С.Н., Абдуллоев Ж.М, Собиров Ҳ.Д, Қурбонов Ш., Махмудов У.Ў.,

**Иштирок этмаганлар:** йўқ

**Йиғилиш қатнашчиларининг кўрсаткичи:** 100 %

### КУН ТАРТИБИ

Бошқармамиз тасарруфидаги кон ва цехларда ишлаб чиқариш ишларини узлуксиз енгил ва маҳсус автомашиналар билан таъминлаш мақсадида Автотранспорт ва маҳсус техникалар саройидаги сиқилган газ ёқилғисида ишлайдиган автотранспортлар учун 2022 йил учун сиқилган газ ёқилғисини харид қилишни кўриб чиқиш.

Кун тартибига қўйилган масала бўйича транспорт хизмати бошлиғи: **У.Махмудов** сўзга чиқиб, ҳозирда бошқармамиз АТ ва МТ саройида сиқилган газ ёқилғисида ишлайдиган жами 5 та (4 та енгил ва 1 та маҳсус (Ассенализационная машина)) мавжуд бўлиб бугунги кунда ушбу транспорт воситаларига ишлаб чиқариш ишлари учун зарурат ортиб бораётгани ва ушбу автотранспортларни сиқилган газ ёқилғиси билан таъминловчи станциялар билан тузилган шартномаларнинг амал қилиш муддати 2021 йил 31-декабрда тугаганлиги ва ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш мақсадида юқорида келтирилган транспорт воситаларини сиқилган газ ёқилғиси билан таъминлаш мақсадида тезда АСГҚС(Автомобилларга сиқилган газ қўйиш станцияси) лари билан сиқилган газ харид қилиш бўйича шартнома расмийлаштирилиши зарурлиги тўғрисида айтди.

Шундан сўнг Бошқарма директорининг умумий масалалар бўйича ўринbosari **Л.Б.Абдураҳмонов** сўзга чиқиб ҳақиқатда ҳам ҳозирги кунда бошқармамиз автотранспорт ва маҳсус техникалар саройидаги сиқилган газ ёқилғисисда ишлайдиган транспорт воситаларини узлуксиз сиқилган газ ёқилғиси билан таъминлаш учун

АСГҚС лари билан газ етказиб бериш бўйича шартномалар расмийлаштирилиши ва ушбу шартномаларнинг амал қилиш муддати 2022 йил 31-декабрга қадар этиб белгиланиши, ушбу шартномаларни тузишда қонуний нуқтаи назардан чўқур ўрганилиб тузилиши, ушбу шартномаларни 1-С дастурига жойлаштириши бўйича айтиб ўтди.

Кун тартибидаги масала бўйича Бошқарма бош ҳуқуқшуноси **Б. Қодиров** сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27-сентябрдаги ПҚ-3953 сонли қарорига мувофиқ Давлат буюртмачилари томонидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатининг 22-бандига асосан товарлар ва хизматлар тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширилиши белгилаб ўтилганлиги ҳақида айтиб ўтди.

Шундан сўнг транспорт хизмати бошлиғи У.Маҳмудов яна сўзга чиқиб Газли ҳудудида жами 3 та сиқилган газ қўйиш (“Газли қуёшли диёр” МЧЖ., “Алп Жавоҳир Жавлонбек” МЧЖ., “METAN GAS KOMPRESSED” МЧЖ станциялари мавжудлиги ва уларнинг ҳаммасидан тижорат таклифлари олинганлиги ва уччала жамиятлар ҳам сиқилган газнинг **1м<sup>3</sup> ни 2300** сўмдан сотиши бўйича тижорат таклифларини берганлигини айтди. Сиқилган газ ёқилғиси билан ҳаракатланувчи автотранспортлар бир марта қўйилганда 170км дан 250 км гача масофа босишини ва шуни инобатга олиб бошқармамиз кон ва участкалари, АТ ва МТ саройига атрофида жойлашган сиқилган газ қўйиш шахобчалари жойлашиш ҳолати ўрганилиб энг яқин жойлашган шахобча билан шартнома расмийлаштириш мақсадга мувофиқлиги бўйича ўз таклифини берди. 2022 йил февраль ойи охирига қадар АТ ва МТ саройи тўлиқ Газли газни қайта ишлаш заводи ҳудудига кўчиб ўтишини ҳам таъкидлаб ўтди.

Сиқилган газ қўйиш шахобчалари Газли газни қайта ишлаш заводидан жойлашиш масофаси :

- 1.ГГҚИЗ - “Алп Жавоҳир Жавлонбек”- 45,7км
- 2.ГГҚИЗ - “METAN GAS KOMPRESSED”- 42,1 км
- 3.ГГҚИЗ - “Газли қуёшли диёр” – 39,6 км

Ушбу йиғилишдаги масала бўйича бошқарма директори Х.Р. Назиров йиғилишда бўлган ҳамма фикрларни тинглаб чўқур ўрганган ҳолда

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ**


1. Бошқарма тасарруфидаги кон, цех, қурилма ва эстакадаларда ишлаб чиқариш ишлари узлуксизлигини таъминлашда енгил ва маҳсус автотранспортларга сиқилган газ ёқилғисини харид қилиш учун иқтисодий жиҳатдан кўриб чиқиб бошқармага энг яқин жойлашган “Газли қуёшли диёр” МЧЖ билан газ сотиб олиш бўйича шартномалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27-сентябрдаги ПҚ-3953 сонли қарорига мувофиқ қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилсин.

2. Шартнома талабларининг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш – бошқарманинг транспорт хизмати бошлиғи (У.Ў Махмудов) ва директорнинг умумий масалалар бўйича ўринбосари Л.Б.Абдураҳмонов зиммасига юклатилсин.

3. Тузилаётган шартноманинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида бўлиши бошқарма бош ҳуқуқшуноси (Қодиров Б.К) ва молиявий комплаенс назорати инспектори Тойиров А.З томонидан кўриб чиқилсин.

( Комиссия аъзолари томонидан Овоз беришлар: 14 та ҳа , Қаршилар йўқ)

Темиров F.Ё



Абдураҳмонов Л.Б

Умиров С.Н

Рўзметов Ж.П

Қодиров Б.К

Халилов С.А

Ҳамроев Ф.Ф

Ражабов Т.Ҳ

Ҳожиев З.Ж

Тойиров А.З

Абдуллоев Ж.М

Собиров Ҳ.Д

Қурбонов Ш.Ж

Махмудов У.Ў

Йиғилиш котиби:



Обидов Б.Б